



# Ishonch

2016-yil  
22-sentabr,  
payshanba

№ 113  
(3774)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Республика Бош вазири Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 20 сентябр куни Ангрэн шахрига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш мақсадида 2012 йилда ташкил этилган «Ангрэн» махсус индустриал зонасида кенг қўлмали ишлар, жумладан, 11 йирки инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Жорий йилнинг охирига қадар яна 7 ишлаб чиқариш қувватини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил 28 августдаги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган «Ангрэн» махсус индустриал зонаси ҳудудда конвейер ленталари, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва автомобил шиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасининг амалга оширилиши жараёни билан танишди. Бу ерда йилга 100 минг погон метр конвейер лентаси, қишлоқ ҳўжалиги техникаси учун 200 мингта шина, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Мазкур йирки саноат корхонаси мустақиллигимизнинг 26 йиллиги арафасида ишга туширилиши қайд этилди.

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши 1 минг 200 иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Ангрэн ИЭСда 2016 йилнинг август ойида ишга туширилган янги энергия блокининг кўздан кечирди. Замонавий технологиянинг жорий этилиши натижасида йилга 1 миллион тонна кўмрдан самарали фойдаланишга эришилади ва бу орқали 840 миллион кВт/соат электр энергияси ва 423 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Янги энергия блокининг ишга туширилиши ёқилги сарфини камайтириш, атмосферага газ чиқиндилари чиқилишини сезиларли равишда қисқартиришни таъминлайди.

Шавкат Мирзиёев «Ўзбек-кўмир» акциядорлик жамияти фаолияти, Ангрэн кўмир қонида ёқилги қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари, бу ерда амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш жараёни билан ҳам танишди.

Жорий йил бошидан буён конларни қазиб ишлаш ҳажми 15,4 миллион куб метрдан ошди, 2,6 миллион тонна кўмир қазиб олинди. 2016 йилнинг охиригача кўмир қазиб ҳажмини 3,7 миллион тоннага етказиш режалаштирилган.

Танишув жараёнида мазкур саноат корхоналари учун

ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг етакчи хорижий компанияларда малака оширишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Ангрэн шахрида амалга оширилаётган ободонлаштириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари билан танишди. Хусусан, мактабга таълим муассасаси, деҳқон бозорини бориб кўрди.

Учрашувларда аҳоли учун қулай яшаш шароитларини, ижтимоий инфратузилмани янада такомиллаштириш, коммунал хизматларни яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, замонавий истироҳат ва дам олиш боғларини барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ангрэн шаҳри раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йилгиликда Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида йирки лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг фаолияти, улкан хизматлари алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги «2016 — 2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори пойтахт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқидий руҳда ўтган йилгиликда Ангрэн шаҳри ижтимоий инфратузилмасини модернизациялаш масалалари таҳлил этилди. Шаҳар ҳокими, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи давомида пахта ҳосилини йиғиб-тегиб олиш ва кузги экин ишларининг бориши билан ҳам танишди. Фермерлар, соҳа ходимлари билан учрашув чоғида қишлоқ ҳўжалиги ишларини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи атрофида муҳокама этилиб, тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

**Анвар САМАДОВ,**  
ЎЗА махсус мухбири

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

### РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА (БРАЗИЛИЯ) БЎЛИБ ЎТГАН XV ЁЗГИ ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИНИ ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёшлар ўртасида Паралимпия ҳаракатини тарғиб этишдаги фаол иштироки, Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия уйинларида муносиб иштироки, жасорат, матонат ва мардлик намунасини кўрсатиб, юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшгани учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 июлдаги ПҚ-2558-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидаги спортчилар бир йўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирлансинлар:

- олтин медал олгани учун  
ҳар бири 200 000 АҚШ доллари билан:
- Намозов Шерзод Насимович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
  - Нигматов Уткиржон Исмаилов ўғли** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
  - Тулендибаев Адилжон Ришатович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
  - Норбеков Хусниддин Қиличбоевич** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;
  - Свечников Александр Владимирович** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;
  - Каюмова Нозимахон Номонжоновна** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;
  - Мусабеков Фирдавсбек Улугбек ўғли** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;
  - Амилова Фотимахон Равшанбек қизи** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

кумуш медал олгани учун  
ҳар бири 100 000 АҚШ доллари билан:

- Алимова Хайтон Абдулла қизи** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;

**Бурхонова Сафия Каимовна** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;  
**Одилова Муслима Улугбек қизи** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;  
**Панков Кирилл Дмитриевич** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;

бронза медали олгани учун  
ҳар бири 75 000 АҚШ доллари билан:

- Бобоев Шухрат Шоазарович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
- Саидов Феруз Бешимович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
- Шарипов Ширин Хомитович** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
- Салаева Севиңч Одамбай қизи** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
- Раҳимова Гулруҳ Илхамбековна** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
- Нурметова Турсунпаша Бахрамовна** — дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси;
- Салиев Дониёр Нурулла ўғли** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;
- Бозоров Ахор Ботирович** — пауэрлифтинг бўйича терма жамоа аъзоси;
- Турсунхўжаев Музаффар Шухратилло ўғли** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;
- Хорлин Дмитрий Сергейевич** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;
- Тошпулатова Шохсанамхон Дилшодбек қизи** — сузиш бўйича терма жамоа аъзоси;
- Ибрагимов Сервер Юсуфович** — ўқ отиш бўйича терма жамоа аъзоси;
- Сахатов Миран Мирюносевич** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;
- Хамраев Фахриддин Фарходович** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси;

**Абдурашидов Мансур Самат ўғли** — енгил атлетика бўйича терма жамоа аъзоси.

2. Белгилаб қўйилсинки, пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан хорижий валютада — АҚШ долларида, банкда жисмоний шахслар учун белгилаб қўйилган тартибда очиладиган депозит ҳисоб рақамларидан, солиқ ундирилмасдан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун зарур пул маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда ажратилган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буюртмалари бўйича белгилаб қўйилган тартибда конвертация қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси спорт делегацияси таркибидagi спортчиларнинг 2016 йилдаги XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия уйинлари катнашчилари Ўзбекистон Миллий олимпиа қўмитаси ҳузуридаги Олимпиячиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан сотиб олинган «Малибу» маркали енгил автомобиллари билан иловага мувофиқ мукофотлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, ушбу фармойиш асосида жисмоний шахсларга берилган енгил автомобиллар қийиматига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2016 йил 19 сентябр

## Халқаро кўргазма

Пойтахтимизда XI «UzEnergyExpo — 2016» ва VI «UzStroyExpo — 2016» халқаро кўргазмалари ўтказилмоқда. Унда мамлакатимиз ва қатор хорижий давлатлардан 60 дан ортиқ компаниялар иштирок этапти.



## Имконият самаралари

— Пенлопласт устига кварс қумдан қоплама қоплаб, бинолар фасадига материал ишлаб чиқарамиз, — дейди «ООО Bahsel» ишлаб чиқариш корхонаси иш бошқарувчиси Фадржон Орипов. — Икки йилдан буён фаолият юритиб, ички бозорни маҳсулот билан таъминлаяпмиз. Насиб этса, яқин келажақда экспортга чиқаришни йўлга қўйиш ниятимиз бор. Қайд этиш лозими, кўргазмаларда йилдан-йилга рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларини намойиш этувчи ишлаб чиқариш корхоналаримиз сони ортиб бормоқда. Айниқса, ушбу

кўргазмалар маҳаллий корхоналарга ўз маҳсулотларини саноат тармоқлари мутахассислари ва кенг истеъмолчилар эътиборига ҳавола этиш учун қулай имконият яратаяпти. Бошқа томондан уларда хорижий компанияларнинг иштироки республикамизга юқори технологияли жиҳозларнинг кириб келишига сабаб бўлиб, ўз навбатида, маҳаллий саноат корхоналари маҳсулотларининг сифати ошиши ва ассортимент кенгайишига хизмат қилаётир.

**Ўз мухбиримиз.**  
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

## Сайлов — 2016

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Uzreport» ахборот агентлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида икки томонлама битимлар имзоланди.

## Очиқлик ва ошқоралик — сайловнинг муҳим шarti

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда самарали сайлов тизими шаклланиши баробарида, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги юксалганини таъкидлади. Аввалги сайлов кампаниялари мобайнида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича катта тажриба тўпланди. Зеро, сайловларнинг очиқлик, ошқоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнини кенг ёритади.

Тузилган битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга солидиган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйишга қаратилган.

➔(2).

## Фахр

### Матонат, жасорат ва ватанпарварлик намунаси

Ўзбекистон спортчилари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия уйинларида 8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза медални қўлга киритди ➔4



Маъмурият ва касба уюшмаси ҳамкорлиги



«Бухорогазсанотқурилиш» акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси раиси Раҳим Аминов жамият тасарруфидоги корхоналар фаолияти тўғрисида фикр юритар экан, меҳнат жамоаларининг тараққиёт босқичига киргани-ю, долзарб жараёнда касба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси борлигини аниқ мисоллар асосида кўрсати берди. Сўнгра, бир қатор намунали бошланғич ташкилотларни тилга оларкан, «Махсус монтаж ва механизация» унитар корхонаси фаолиятига алоҳида ургу берди.

— Бу корхона акциядорлик жамияти-тимизда етакчи ўринни эгаллайди, — деди Р. Аминов. — Замонавий техника ва технологияларга, малакали ишчи-мутахассисларга эга ушбу жамоа йирик объектларда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб келаяпти. Эришилаётган меҳнат зафарларида тиниб-тинчимас,

ташаббускор, касба уюшма аъзоларининг етакчи ва гамхўри Ольга Пожратованинг хизматлари бекиёс. Дарҳақиқат, «Махсус монтаж ва механизация» унитар корхонаси Бухородаги номдор жамоалардан бири. Бунёдкорлик ишлари билан банд 460 нафар ишчи-ҳодимнинг ҳар бирини ўз касбининг мохир устаси, десак

Қарс икки қўлдан

асло янглишмаймиз. Улар Қорақалпоғистон Республикасининг Шарқий Бердақ нефт қонида, Муборак газни қайта ишлаш заводидан янгидан қурилатган йирик блокларда, Газли шахрини сув билан таъминлаш участкаларида, Бухоро ва Навоий вилоятларида бунёд этилаётган намунавий уй-жойларни газлаштириш жараёнида фидойиллик кўрсатмоқда.

Корхона касба уюшма кўмитаси фаолиятдан барча мамнун. Энг аввало, вахтада ишловчиларнинг меҳнат шартлари тубдан яхшилланган. Даштдаги объектларда шинам ва кулай вагон уйлар, дам олиш, ювиниш хоналари зарур тиббий хизмат, спорт майдончалари ташкил этилган. Ходимлар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Ойлик маошлар вақтида тўлаб борилади. Меҳнатда алоҳида ўрнатилган қўрсаткичлар эса маъмурият ва касба уюшма кўмитаси томонидан рағбатлантирилади.

— Жамоамизда хавфсиз меҳнат шартларини яратиш ва ходимлар малакасини оширишга жиддий эътибор билан қаралади, — дейди меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандиси Насофат Расулова. — Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан

мажбурий сўғурта қилиш қоидаларига мувофиқ ишловчилар тегишли даражада муҳофаза қилинган.

Ходимнинг меҳнат шартини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида иш ўринларини аттестация қилиш муттасил амалга оширилмоқда. Оғир ва хавфли ишлаб чиқаришда ишлаб келатган ишчи-мутахассислар эса бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, махсус ўқув курсларида иккинчи мутахассислик бўйича ўқитилди.

Маъмурият ва касба уюшма кўмитаси ўртасида 2016 — 2018 йиллар учун имзоланган жамоа шартномасида ходимлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларининг ҳимоя қилинишида янги қарорлар ўз аксини топган. Чунончи, Соғлом она ва бола йилида жамоада меҳнат қилаётган 3 ёшгача боласи бўлган аёллар учун иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтада бир кун қўшимча дам олиш жорий этилган. Ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун дам олиш уйи ва санаторийларга ажратилаётган йўлланмалар сони тобора кўпаймоқда. Шароитига қараб, айрим ходимлар ва меҳнат фахрийларига бепул йўлланмалар берилляпти.

Корхонада спорт зали мавжуд бўлиб, бу ерда машгулотлар мунта-

зам равишда ўтказилади. Нуфузли мусобақаларга тайёргарлик акциядорлик жамияти ҳузуридаги «Чайка» спорт мажмуасида олиб борилади. Бундай ҳаракатлар натижасида корхона жамоаси минн футбол, стол тенниси, шахмат-шашка беллашувларида турдош корхоналар ўртасида пешқадамликка эришиб келаяпти.

Акциядорлик жамиятига қаршли Жиззах вилояти Зомин туманининг хушманзара гўшасида жойлашган «Бухорои Шариф» ва Бухоро вилоятидаги дам олиш масканлари ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оилалари самарали фойдаланишади. Мухими, барча харажатлар маъмурият ва касба уюшма кўмитаси ҳисобидан қопланади. Шунингдек, ходимлар фарзандлари ёз мавсумини Бухородаги «Нефтчи», «Мовий гулхан» ва Тошкентдаги «Чотқол» болалар оромгоҳларида яйраб ўтказишади.

Қарс икки қўлдан деганларидек, маъмурият ва касба уюшма кўмитасининг ўзaro ҳамкорликдаги ҳаракатлари ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини мамнун этаяпти.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Очиқлик ва ошқоралик — сайловнинг муҳим шarti

№(1).

Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва сайлов қончилиги соҳасидаги олим ва экспертлар билан суҳбатлар уюштириш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурларини ҳақида жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилади. Сайлов кампанияси тўғрисида хорижий мамлакатлар давлат ва жамоат арбоблари, эксперт ва таҳлилчилари, оммавий ахборот воситалари вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан мамлакатимиз аҳолисини доимий равишда таништириб бориш борасидаги ишлар самарали ташкил этилади.

Имзоланган битимларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти изчил ёритиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун уларнинг сайловолди дастурлари қоидаларини, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига тааллуқли мустақил нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, шу жумладан, тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади.

ЎЗА

Янгича ёндашув

Избоскан туманининг Тўртқўл қишлоғида яшовчи Муҳаммадхон Қодиров анча вақтдан бери балиқчилик билан шуғулланишни кўнглига тугиб юрганди. Бахти бор экан. Маҳалла фуқаролар йиғини раисидан касба уюшмалари янгликка қўл ураётган ва иш ўринлари яратишга бел боғлаган тадбиркорларга кўмак бериш ташаббуси билан чиқаётганини эшитиб, гўёки қанот чиқаргандек бўлди.

428 та иш ўрни

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Избоскан тумани кенгаши уни қўллаб-қувватлади. Қисқа муддатда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатилди. «Ипотека-банк»нинг 15 миллион сўм кредити ҳамда кенгаш томонидан ажратилган фойсиз ссуда эвазига «Абдумўмин равнақи» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, ярим гектарлик сунъий ҳовузда балиқ парвариши қилина бошланди. МЧЖда касб-хўнар коллежларининг уч нафар битирувчиси ҳам иш ўрини топди. Бу Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг ҳар бир туман ва шаҳарда 25 тадан янги иш ўринлари яратишга оид қабул қилган қарори ижросига амалий жавоб бўлди.

Бундан хабар топган «Тўртқўл» маҳалласида яшовчи Рустамжон Сулаймонов ҳам ҳаракатга тушиб қолди. Туман кенгаши кўмағида қурилиш-таъмирлаш соҳасига ихтисослашган «Диёр истиқлол ишонч» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Касба уюшмаси фаоллари субъектни давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлашгача ёрдамларини аяшмади. Мухими, тадбиркор билан бирга ишлаш истиғидида уч нафар йигитга меҳнат дастурчалари очилди.

— Бандликка асосан ёшлар жалб этиляпти, — дейди вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудри Тўлқинжон Сиддиков. — Уч томонлама шартномалар асосида фойсиз ссудалар ажратилди. Маблағ йил давомида белгиланган жадвал асосида қайтарилади.

Вилоятда ҳудуд аҳолисининг хизмат соҳаларига эҳтиёжи ва хўнарамандчилигининг ноб тўрларини ривожлантириш масаласи ҳам алоҳида инobatга олинганлигини таъкидлаш жоиз. Айтилик, Қўрғонтепа туманининг Ибн Сино, «Тадбиркор», «Янгиқўрғон» маҳаллаларида бир пайтлар ақсарият аёллар амалий санъатнинг попоқчилик йўналиши билан шуғулланишган. Бугун бу соҳанинг ҳақиқий мутахассислари кам. Демак, попоқчиликни замон талабига мос равишда ривожлантириш, мазкур соҳа давомчилирини тарбиялаш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Кайвони онахоналар, маҳалла фаоллари ҳамда касба уюшмаси вакиллари давра қурган суҳбатларда момолардан мерос хўнар билан шуғулланишга қобилияти бор, уни мунтазам давом эттириш истиғини билдирган ёшлар аниқланди. Севара Ўлчибоева, Муслима Тожимаматова, Маъ-

мура Содикова, Намуна Одилжонова сингари қизларнинг сай-ҳаракати яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Уларнинг мустақил фаолият билан шуғулланиши учун касба уюшмалари ва ҳомийлар томонидан баҳолиқудрат имконият яратиб берилди.

Мазкур туманининг «Савай», «Мустақиллик», «Буюк замин», «Янги ҳаёт» маҳаллалари фаоллари эса темирчиликка иши тушган аҳолининг туман марказида эмас, ўз ҳудудидан эҳтиёжини қондириши учун шарт-шароит яратиш тилифини ўртага қўйди. Тармоқ касба уюшма кенгашлари ҳамкорлигида Халимжон Назиров, Достонбек Ваҳобжонов, Хуршидбек Маъмиржонов, Экрем Азмиев сингари иштиёқманд йигитларга иш бошлаши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди.

Янгича ёндашув Балиқчи туманида ҳам ижобий самара бераётир. Масалан, туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси ҳамда хусусий тадбиркорлар ҳамкорлигида маиший техника воситаларини таъмирлаш, озиқ-овқат савдоси, ширинликлар тайёрлаш, чеварлик, дурадгорлик йўналишлари бўйича бешта иш ўрни очилди. Кўмита томонидан ажратилган маблағ зарур жиҳоз ва иш қуролларини харид қилишга сарфланди.

— «Чинобод» маҳалласида тикувчилик ва келинлик либослари дўконини ишга туширдик, — дейди Мафтуна Азимова. — Касба уюшмаларининг замонавий анжомларни сотиб олишдаги кўмағи бизга яхшигина далда бўлди. Дастлабки маҳсулотларимизга бюрутмалар тушмоқда. Қунига камида 5-6 нафар миждоз мурожаат қилиб турибди.

Фаолият

Ёшлар бандлиги — устувор вазифа

Аҳолини, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи устувор вазифалардан биридир. Сўнгги йилларда касб-хўнар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, хоҳиш ва лаёқати бўлганларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жиззах вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман, шаҳарда хизмат



кўрсатиш ва сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўринлари яратиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тавлим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Фориш туман кенгаши томонидан ҳудуддаги тармоқ касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Киска фурсатда туман ҳокимлиги ҳамда тармоқ туман кенгаши ҳамкорлигида уч нафар коллеж битирувчисига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида янги иш ўрни яратилишига эришилди. Шу тарихда коллеж битирувчилари Суннатбек

Жумабеков сартарошлик соҳасида, Жасур Мамасолиев чакана савдосотик хизмат тури бўйича, Диёрбек Узоқов телекоммуникациялар йўналишида фаолиятини бошлаб юборишди.

— Келгусида махсулот тури ва миқдорини кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилганман, — дейди ёш тадбиркор Д.Узоқов. — Фаолиятимни йўлга қўйишда менга яқиндан ёрдам берган касба уюшмаси мутасаддиларидан миннатдорман.

Туманда касб-хўнар коллежлари битирувчилари учун янги иш ўринларини яратиш, уларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, битирувчилар учун кредитлар олиш борасидаги имтиёз ва кулайликлар билан таништириш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда учрашув ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Найим МАҲАММАТОВ, тармоқ ходимлари касба уюшмаси Фориш туман кенгаши раиси

Бошланғич ташкилотларда

Муносиб меҳнат шароити

Қарши давлат университети меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан ўтган кўрик-танловнинг Республика босқичида «Энг яхши касба уюшма кўмитаси» номинациясида иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Тавлим даргоҳида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида ўқув синфхонаси ташкил этилган. Ходимларни ўқитиш ва билимларини синовдан ўтказиш мақсадида ушбу ўқув синфхонаси замонавий компютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, телевизор, видеопроектор, ДВД-плеер, эслатма плакатлар, ўқув қўлланмалари, соҳага оид меъёрий-технари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан жиҳозланган. Университет ва унинг жойлардаги бўлимларида меҳнатни муҳофаза қилиш бурчаклари ташкил қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳақида»ги намунавий Низом талабларига асосан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жами 35 та лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланган. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш

ҳақида»ги Низомга асосан касб-бўйича бўйича 6 та, иш турлари бўйича 8 та, ёнгин хавфсизлиги ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича биттадан йўриқномалар ҳамда кириш йўриқномаси ишлаб чиқилиб, таркибий бўлинмаларга етказилган.

Бундан ташқари, ёнгин хавфсизлиги бўйича университет ҳамда объектлар бўйича жавобгар шахснинг вазифалари, иш жойидаги йўл-йўриқларни ўтказиш тартиби, меҳнат муҳофазаси бўйича уч погонали назоратларни олиб бориш тартиблари ишлаб чиқилган ва ижроси таъминланаётир.

Юқорида қайд этилган йўриқномаларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини ходимларга тушунтириш ва уларни вақтида ўтказиш ҳамда қайд этиб бориш бўйича бир неча марта ўқув-семинар ташкил этилган ҳам эътиборлидир.

Бўлим бошлиқлари, университет ва кафедра мудирилари томонидан касб ва иш турлари бўйича мавжуд йўриқномалар асосида ўтган йили 65 нафар ходимга

дастлабки ва 452 нафарига навбатдаги даврий йўл-йўриқлар берилди. Муассасанинг барча факултет, цех, хизмат ва бўлинмаларида ишчилар учун хавфсиз меҳнат шартлари яратилган. Кийиниш ва ювиниш, аёллар гигиена хоналари замонавий талаблар даражасида.

— Муассаса раҳбарияти ва касба уюшма кўмитаси томонидан тузилган жадвалларга асосан давлат назорат органлари инспекторлари иштирокида меҳнат муҳофазаси бўйича 28 марта амалий ўқув машгулотлари ўтказилди, — дейди университет ходимлари ва талабалар касба уюшма кўмитаси раиси Тўйчи Валиев. — Шу даврда муассасанинг доимий ҳаракатдаги комиссия аъзолари ва касба уюшма кўмитаси раиси иштирокида 18 та ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цех, хизмат ва бўлинмаларда меҳнат муҳофазаси ҳолатининг уч босқичли маъмурий текширувнинг учинчи босқичи ўтказилди. Текширувлар давомида аниқланган камчиликлар юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилиб, ўз вақтида бартараф этилишига эришилди.

Муассаса бош мутахассислари, цех ва хизмат бошлиқлари иштирокида ҳар ойнинг 2-ҳафта-сидаги жума куни «Хавфсизлик техникаси куни» деб белгиланган бўлиб, тадбирлар мунтазам



ўтказиб борилаётир. Хавфсиз меҳнат шартини яратиш ва босқисиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида цехларда 19 нафар меҳнат муҳофазаси вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Самарадорликни таъминлаш мақсадида маъмурий ҳисобидан уларни моддий рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Ишга сидқидилдан ёндашилса, ютуқ ва муваффақиятлар узоқ кутдирмайди. Зеро, ходимлар ва талабаларнинг саломатлиги, улар учун хавфсиз, кулай ўқиб ва иш шартларининг таъмин этилиши қўзланган натижаларнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

# ЖАРАЁН

## Тиббиёт

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги хайрли саъй-ҳаракатлар натижасини Навоий вилояти тиббиёт тизими мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

# Саломатлик — энг катта бойлик

Айни вақтда Инвестиция дастури асосида Кармана туман тиббиёт бирлашмасини қайта реконструкция қилиш ишлари жадал давом этаётир. Ҳозирги пайтда турғуқона мажмуаси, «Тез ёрдам», кардиология, неврология ҳамда болалар бўлимлари замон талаблари даражасидаги биноларда фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, олдинги поликлиника биноси реконструкция қилиниб, маъмурий бўлимига айлантирилди. Ошқона ва кир ювиш хонаси янгидан қурилди.

Икки қаватли болалар бўлими биноси 51 ўринга мўлжалланган бўлиб, у жаҳон андозаларидаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Мухими, бу ерда аҳоли учун барча қулайликлар яратилган. Хусусан, асаб ва ички касалликлар бўлимлари учун 43 миллион сўмликдан ортиқ ва кардиология бўлимига 60 миллион, турғуқ мажмуасига 138 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар келтирилди.

Таъкидлаш керакики, туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси Япониянинг 118 минг АҚШ доллари қийматидаги грантига ҳам сазовор бўлди. Бу маблағга шифохона учун энг керакли асбоб-ускуналар харид қилинди.

Бугунги кунда шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва унга қарашли 7 та шифо масканларида ҳам 113 минг 281 нафар аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатилаётир.

Кейинги йилларда шахримиздаги оилавий поликлиникалар бирин-кетин янги биноларга кўчиб ўтиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатаётганидан аҳоли мамнун.

Жумладан, бултур шаҳар марказий худудига 4-оилавий поликлиниканинг янги биноси қад ростлаб, 150 қатновли фаолиятини бошлаган бўлса, жорий йил Инвестиция дастури асосида 250 қатновга мўлжалланган 2-оилавий поликлиника биноси ҳам замонавий кўринишда қурилиб, фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.


Тиббиёт масканларида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Чунончи, юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида январь – июль ойларида 7018 нафар бир ёшгача бўлган болаларга профилактик эмлаш ўтказилди. Шу билан бирга мактабгача ёшдаги 4234 нафар ва мактаб ёшдаги 5616 нафар бола дегелминтизация дастури билан қамраб олинган, 1999 нафар бир ёшгача бўлган болалар ротовирусга, 2279 нафар бола пневмокок инфекциясига қарши эмланганлиги ҳам эртасиз эгалари бўлган дилбандларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ишлардандир.

Истиқлол шарофати билан эришилаётган юксак натижалар, амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият даражасига кўтарилганининг ёрқин намоишидир.

Дилафрўза ҲОЗОВА,  
«Ishonch» мухбири

## 1 октябрь — Ҳўқитувчи ва мураббийлар кун

# Таълим фидойиси



Устоз — отангдек улуг! Бу ҳикмат замирида бир олам маъно яширинган. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Тўлқин ака Шоназаров ҳақида билганларимни қозоғга туширар эканман, дастлаб ҳаёлимдан шу фикр ўтди. Дарҳақиқат, юксак салоҳият соҳиби бўлган бу фидойи ва заҳматқаш инсон минглаб шогирдлар учун катта устоздир.

Ўқувчилар ҳар сафар Тўлқин муаллимнинг дарсларини интиқлик билан кутишади. Сабқ учун ажратилган вақт ўтиб кетганини ҳам билмай қолишади. Баъзида домла доскага 7-8 та ўқувчини чиқариб, мавзунини давомий айтиртади, жавоб тўғри бўлса мактаб, нотўғри бўлса ортиқча танбеҳ бермай, ўзи тўлдириб кетади. Шу тариқа бола эркин, мустақил фикрга эга бўлиб улғаяди.

Баъзида мушоира ташкил этиб, ўқувчиларнинг бири Бобур, бири Навоий, бири Нодира, бири Увайсий бўлиб доскага чиқади, уларнинг газалларини ёддан айтади:

**Чархнинг мен кўрмаган жабру**  
**жафоси қолдимۇ,**  
**Хаста кўнглим чекмаган дарду**  
**балоси қолдимۇ?..**

Яқинда устоз билан суҳбатлашиб қолдим. Гап орасида у ўқувчиларга таълим бериш услубига тўхталиб, ғурур билан шундай деди:

— Аввало, дарс ўқишни тўғри белгилаб олиш лозим. Яъни ўқувчининг нутқини ўстириш, унда эркин фикрлашга рағбат уйғотиш, энг муҳими, ундаги ҳақиқатни йўқотиб, дарсда фаол бўлишини ўқитувчи ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билмоғи керак. Чунки тўғри таълим-тарбия олган бола ҳаётда қийналмайди. Тўғри ўстирилган ниҳол келахак устун, деб бекорга айтилмайди.

Белинскиининг ўқувчи учун завқланиш камлик қилади, нега завқланаётганини у билиши керак, талабалик йилларимиз биз яхши кўрадиган бир устозимизнинг болани яхши ўқитишда манбалар билан ишлатиш муҳим ҳисобланади, деган фикрлари ҳақида сўз очдим.

— Бу гаплар ўз ўрнида топиб айтилган. Ҳўқитувчи, аввало, дарс ўтишдан олдин режа тузиб олмоғи лозим. Масалан, дарс ўқишнинг ўзини кифоя бўлмай, қандай ўқиш муҳимроқдир. Ўқувчиларнинг дарсда жамоавий усулда ишлагани амалга ошириш — биргалликда тўрттадан-саққизгача бўлиб, машғулот ўтказиш, кўргазмали гуруҳлардан унумли фойдаланиш, дарсга тегишли, лекин дарсликдан ташқари адабиётларни ўқитиш, эр-

кин фикрлашга ўргатиш, нотиклик қобилиятини ўстириш, фаол қатнашишни кузатиб, хотира машқларини ўтказиб бориш, рағбатлантириб туриш ва ҳоказолар шулар жумласидандир, — дейди Тўлқин ака. — Шунингдек, баҳолашнинг ҳам турфа йўллари бор. Масалан, бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун нақлига амал қилиб, яъни бешолти ўқувчига бир хилда вазифа бериб, дуч келганидан сўраб, жавобга қараб ҳаммасига бир хилда баҳо қўйиш усулини олиб кўрайлик. Ёки рағбатли баҳолаш: бугунги жавобинг бешга етмайди, лекин шу баҳони кўяман. Эртага яхши тайёрланиб кел, дейман баъзида...

Ўқувчи бамисоли навниҳол. Уни қаёққа қайирса, шу томонга буқилади. Тўғри ўстириш, илдинки мустаҳкам қилиб тарбиялаш «борбон»нинг парваришига боғлиқ. Бу ҳақда гап кетганда устоз дарс берадиган Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги 38-умумтаълим мактаби директори Ҳасан Қирқобоев шундай дейди:

— Инсон туғилган кундан то умрининг сўнгги дақиқаларигача турфа сўқмоқлардан ўз йўлини топишга интилади. Бу йўлда ҳар хил тўсиқларга учраса-да, ундаги орзу, умид, мақсад бу қийинчиликларни енгиб ўтишида асосий таянч бўлади. Ҳўқитувчи ундаги мана шу учала кирри-рини тўғри йўналишга буриб юборса бўлди, қўзланган мақсадга эришилади. Кўп йиллардан буён мактабимизда ёш авлодга ўта талабчанлик билан сабоқ бериб келаётган Тўлқин ака нафақат бунинг урдасидан чиққан, балки бошқаларга ҳам шунини маслаҳат берадиган ҳақиқий таълим фидойисидир.

Ўқиш бошқа, ўқиш бошқа дейишади. Бу мақолнинг амалиётда татбиқ этувчиси бўлган ўқитувчининг зиммасида катта масъулият, ёш авлоднинг келажиги турибди. Бунинг ҳис этиб, чуқур англаган инсонлар борки, жамият мутасил раванқ топиб бораверади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Сўраган экансиз...



# Автобусда бепул юради

**САВОЛ:** Афғонистон уруши иштирокчисиман. Шаҳар транспортдан бепул фойдаланиш тўғрисида гувоҳнома бор. Бироқ яқинда автобус кондуктори: «Гувоҳнома фақат давлат транспорти учун ўтади. Хусусий автокорхонага қарашли машинага пул тўлайсиз», деб айтди. Шу тўғрими?

Н.ТУРОПОВ,  
Наманган шаҳри

**ЖАВОБ:** «Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш тартибига солиш тўғрисида»ги қонунга асосан шаҳар йўловчилар транспорти (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат: 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар; 1941—1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва урушнинг I гуруҳ ноғиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941—1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бениҳсон ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидagi жанговар ҳаракатда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий мудоғили ҳарбий хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва контракт бўйича олдий аскарлар ҳамда сержантлар таркибидagi ҳарбий хизматчилар;

Чернобил АЭС ҳалокати оқибатидa нурулнши касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ноғиронлар ва кўзи ожиз ноғиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс учун сақлаб қолинган.

Шунингдек, «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги қонунда «шаҳар йўловчилар транспорти» тушунчаси ҳамда «шаҳар йўловчилар транспортининг мулк шакллари»га аниқлик киритилган. Унга кўра шаҳар йўловчилар транспорти де-факто Афғонистон Республикаси ҳудудидa рўйхатга олинган, шаҳар доирасида йўловчилар ҳамда багаж ташигча мўлжалланган автомобил ва электр транспорти тушунилади. Шаҳар йўловчилар транспорти оммавий ёки хусусий мулк асосида ишлаши мумкин.

Қоридирилган келиб чиқиб, Афғонистон уруши иштирокчилари хусусий автокорхонага тегишли йўналишли шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга.

Савлол Туропов,  
йўл ва капитал қурилиш,  
қурилиш индустрияси  
ходимлари қасаба  
ушумаси Республика  
кенгаши бош  
юрисконсулти  
Жалолиддин МУХИДИНОВ  
жавоб берди.

## «Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

# Орзихоннинг ёруғ кунлари

Орзихон мактабда ўқиб юрган кезларида илм билан дунёни эгаллашни ният қилар эди. Эгаллаган билими тўғрисида дунё кезса, ўзи каби тенгдошлари билан тажриба алмашса. Унинг орзуинтилиши, аъло ўқиш-ю ҳавас қиларли одоби том маънодаги ўзбек қизиқини қиёфасини кўз олдингизга келтирарди.

Йўқ шароитларни ўзи учун яратиб, олға интилган бу синфдошимизга ҳаммамнинг ҳаваси келарди. У ўқитувчи бўлишни мақсад қилиб олий ўқув юрти эшигини қоқди. Аъло баҳолар билан ўқишни якунлади. Оила қуриб, фарзандларини дунёга келтирди. Иш жойида ҳам ўрнат қозониб, барчага ҳурнат бўлди. Учқўрғон туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабида психология ва бошланғич синф ўқитувчиси сифатида болажонларнинг оку қорани танишига сабабчи бўлаётган О.Қурбоналиеванинг фарзандлари ҳам ота-она изидан бораётир. Турмуш ўртоғи Дилшодбек Қурбоналиев билан болаларидан аъло ўқишни, замонавий билимларни эгаллашни талаб қилиб янгилаштирди. Бугун уларнинг икки ўғли ҳам юксак мақсадларни кўзлаб олган интиломда.

Орзихон Қурбоналиева меҳнатлари маъсули сифатида 2015 йилда республикада «Йилнинг энг яхши психолог» сифатида эътироф этилди ҳамда «Халқ таълими аълочили» кўрак нишони билан тақдирланди.

— Юртимизда ёшларга, айниқса, уларнинг таълим олишига катта эътибор кўрсатишмоқда, — дейди у. — Таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узокни кўзланган дастурлар изчил амалга ошириляпти. «Таълим

тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши фарзандларимизнинг пухта билим олиши, иқтидорини юзага чиқаришида муҳим омил бўлаётир. Шогирдларим, фарзандларимнинг дадил одимлари бунга яққол мисолдир.

Дарҳақиқат, унинг катта ўғли Давронбек Япониянинг АРИ (Осиё тинчлик университети)да таълим олмоқда.

Давронбек дастлаб Учқўрғон туманидаги 33-умумтаълим мактабида тахсил олди. Мактабни тамомлаб, тумандаги Янгибод педагогика коллежини имтиёзли тугатди. Ўқиш давомида инглиз тили, математика фанларини мукамал ўрганди. 2014 йили АРИ (Осиё тинчлик университети)нинг халқаро иқтисодий факултетига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинди.

— Японияда турли мамлакатлардан келган тенгдошларим билан бирга тахсил олади-бирман, — дейди Давронбек. — Уларнинг суҳбатидан шуни теранроқ англамоқдамки, бизнинг давлатимиз каби ёшларга эътиборли давлат дунёда йўқ экан. Яна бир ҳақиқат шуки, халқнинг эҳтиёжлари, қизиқиши ва турмуши ҳақида гамхўрлик кўрсатиладиган юрт фақатгина Ўзбекистон экан. Бу ҳақда телевидение, газеталарда бот-бот эшитиб турардик, аммо унинг ростилигини Ватандан олисда яхшироқ



англамоқдаман. Айни шу меҳрибонлик ва инсонпарвар муносабатга жавобан юртимизга қайтиб борган, энг кучли мутахассис сифатида Ватан тараққийига ўз ҳиссамини қўшаман.

Давронбекнинг бу нияти укаси Ойбек Юсупов кўнглида ҳам жўш урмоқда. У ҳозирда Янгибод педагогика коллежининг 3-босқич талабаси. Компютер ва уларга хизмат кўрсатиш мутахассислиги бўйича таълим олиш билан бирга инглиз тилини мукамал ўрганапти. Туман, вилоят миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаган.

— Бугун ўз ютуқлари билан азиз Ватанини жаҳонга танитаётган, унинг шаънини дунёга кўз-кўз этаётган ёшларимизга қараб кўзимиз қувонади, — дейди О.Қурбоналиева. — Улар иқтидорли, зукко, илм-фанда, спортда, ишлаб чиқаришда юксак чўққиларни забт этмоқдалар. Усиб келаётган ёш авлодни

вояга етишида оилавий муҳитнинг соғлом бўлиши муҳим ўрин тутди. Ота-оналар фарзандларини ақлан, жисмонан, маънан тарбиялашни жуда-жуда истади. Соғлом бола деганда, фақат жисмонан эмас, балки руҳан, маънан етук болани тушунамиз.

Бундай фарзандни тарбиялашда ҳеч бир жиҳатни назардан четда қолдирмаслик зарур. Уларнинг яхши ўқиши, сиҳат-саломатлиги, спорт билан шуғулланиши ва турли зарарли одатлар, ёт гоьлардан ҳимояланиши — буларнинг барчаси бирдай муҳим.

Ота-она ўз фарзандини мактабда ва мактабдан ташқари вақтларда нималар билан машғуллигини кузатиб, назорат қилиб, суҳбатда бўлиши даркор. Психолог сифатида ота-оналар билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларга бу борада маслаҳатлар бериб бораман. Ҳозир ота-оналаримизнинг ҳам фарзанд тарбиясига эътибор

Феруза ЭРМАТОВА,  
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилояти ташкилотларининг бирлашган қасаба уюшма кўмитаси мутахассиси

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ХАБАРНОМА

«БУХОРО ҲАМКОРЛИК САВДО» МҲЖ ва Бухоро вилоят Ички ишлар бошқармаси билан тузилган савдоний ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси олиб бориш тартибидa ўтказиладиган Очiq «Ким-ошди» савдо-базарига тақдир этилди. Савдо 2016 йил 25 октябрь кунин соат 11:00да савдо ташкилотини жойлашган бинода, яъни Мустақиллик кўчаси, 10 уйда бўлиб ўтади. Сотилмай қолган автотранспорт воситалари савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очiq савдоларга 2016 йил 9 ноябр кунлари чиқарилади.

№	Автотранспорт воситаси маркази	Автотранспорт воситаси давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Бошланғич нархи
1.	Опель	80\356 VSF	1994	9 395 053
2.	Опель	80\031 VSF	1994	9 364 261
3.	BA3-21061	80\398 VSF	1990	3 894 300
4.	BA3-21061	80\286 VSF	1991	3 908 698
5.	BA3-2106	80\331 VSF	1991	3 908 698
6.	BA3-21061	80\192 VSF	1991	3 908 698
7.	BA3-21061	80\328 VSF	1988	3 867 041
8.	BA3-21053	80\352 VSF	1991	4 743 667
9.	YA3-3151201	80\330 VSF	1989	5 396 054
10.	YA3-31512	80\262 VSF	1989	5 451 075
11.	YA3-3151201	80\605 AAA	1989	5 217 037
12.	YA3-3151201	80\516 OAA	1989	5 217 037
13.	BA3-21213	80\307 VSF	1994	4 455 566
14.	GA3-31029	80\405 VSF	1996	5 994 047
15.	Корандо-9	80\407 VSF	1993	5 671 240

Савдоларга қатнашиш учун истак билдирган шахслар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

1. Мулкни сотиб олиш учун ариза, Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси, «Савдо ташкилотининг» МФО 00119, СТИР 300615974, «Ипотечка» банк АТИБ «Сардор» филиали 2020800604655858001 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридagi гаров пуллари тўланганлигини тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, Жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, агарда унинг вақили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган нотариал тасдиқланган ишончнома, юридик шахслар учун — шахсининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вақин қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.
2. Автотранспорт воситалари учун аризаларин қабул қилиш (шунба ва яқинба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланғича бир кун қолганда тўхтатилади. Аризалар «БУХОРО ҲАМКОРЛИК САВДО» МҲЖ томонидан қабул қилинади.
3. Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон қилинган пайтдан бошлаб аукционга қийилган транспорт воситалари билан танишиш имконияти яратилади.

Мавзун: 200100, Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел.: (0-365) 221-58-87.

Хизматлар лицензияланган.

### «FARG'ONA MULK SERVICES» МҲЖ БОШLANҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАҚДИР ЭТИЛДИ!

1. АТ «Халқ банки» Қувасой шаҳар филиали балансидаги «Тико» русумли автотранспорт воситаси, 1993 йилда и/ч, д/р: 15AC 652, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 779 484 сўм.
2. АТ «Халқ банки» Уейрлик филиали балансидаги «Тико» русумли автотранспорт воситаси, 1993 йилда и/ч, д/р: 15AC 669, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 719 709 сўм.
3. АТ «Халқ банки» Рыштон филиали балансидаги «Тико» русумли автотранспорт воситаси, 1993 йилда и/ч, д/р: 40 849 ZAA, техник носоз. Бошланғич баҳоси — 3 698 013 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 24 октябрь кунин соат 10:00 да бўлиб ўтади. Талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири муддат: 2016 йил 21 октябрь, соат 16:00.

Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган мулклар 2016 йил 24 октябрь кунин савдода сотилмаган тақдирда, тақрирй савдолари 2016 йилнинг 9 ва 25 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилмади. Тақрирй савдоларга аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдо голлиб деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотиш шартномаси тузиш ҳамда автотранспорт воситасини сотилиш баҳосига кўшимча равишда 5 (беш) фоизи миқдордаги хизмат ҳарини савдо ташкилотининг ҳисоб-рақамига тўлаш мажбурияти қўйилади.

Таълиботлар: «FARG'ONA MULK SERVICES» МҲЖнинг «Трастбанк» Фаргона филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: Х/Ҳ: 22604000603096342001. МФО: 01123. СТИР: 303054753. Манзил: Фаргона шаҳар, Марйифрат кўчаси, 22-уй. Тел: +99895 402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

Хизматлар лицензияланган

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Матонат, жасорат ва ватанпарварлик намунаси

(1). Тошкент халқаро аэропортида 21 сентябр кун...

Жорий йилги спорт мавсумида Ўзбекистон фарзандлари дунёнинг нуфузли мусобақалари...

Спортчиларимизнинг XXXI ёзи Олимпия уйинларида халққа улашган...

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия уйинларида спортчиларимиз эришган...

Узбекистон паралимпиячилари ушбу нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўрди...

XV Паралимпия уйинларида Ўзбекистоннинг 32 спортчиси дзюдо, сузиш, енгил атлетика...

— Ўғлим Паралимпия уйинларига кетиш олдида албатта олтин медал билан қайтман...

— Биз паралимпиячиларимиз билан фахрланамиз, — дейди XXXI ёзи Олимпия уйинлари...

Паралимпия уйинларида Ўзбекистон ёшлари нималарга қодирлигини...

— Спортчиларимизнинг Паралимпия уйинларидаги ҳар бир чиқишини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик...

...Мана, орзиқиб кутилган дамлар — улкан ҳаво кемасидан қўлариди Вата-

нейро шахрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия уйинларида тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори паралимпиячиларимизнинг...

— Паралимпия уйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлганимдан хурсандман...

метрга брасс усулда сузишда 1 дақиқа 12.45 сония натижага қайд этиб, жаҳон рекордини янгилади...

Хар қандай галаба, эришилган натижа таққосланганда янада залворли кўринади...



ЎзА суратлари

нимиз байроғини марғур кўтарган спортчиларимиз чиқиб келмоқда...

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов...

— Паралимпия уйинларидаги ҳар бир чиқишини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик...

— Ўғлим Паралимпия уйинларига кетиш олдида албатта олтин медал билан қайтман...

— Биз паралимпиячиларимиз билан фахрланамиз, — дейди XXXI ёзи Олимпия уйинлари...

Узбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жа-

Хар қандай галаба, эришилган натижа таққосланганда янада залворли кўринади...

— Паралимпия уйинларидаги ҳар бир чиқишини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик...

— Ўғлим Паралимпия уйинларига кетиш олдида албатта олтин медал билан қайтман...

— Биз паралимпиячиларимиз билан фахрланамиз, — дейди XXXI ёзи Олимпия уйинлари...

Узбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жа-

Хар қандай галаба, эришилган натижа таққосланганда янада залворли кўринади...

— Паралимпия уйинларидаги ҳар бир чиқишини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик...

— Ўғлим Паралимпия уйинларига кетиш олдида албатта олтин медал билан қайтман...

— Биз паралимпиячиларимиз билан фахрланамиз, — дейди XXXI ёзи Олимпия уйинлари...

Узбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жа-

Узбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жа-

«ОБУНА — 2017» ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

Дунёда илм-фан мисли кўрилмаган тараққиётга эришиб, технологиялар шиддат билан ривожланаётган...

Алоҳида таъкидлаш жоизки, матбуот нашрлари кишига ана шу глобаллашув жараёнлари...

2017 йил учун матбуот нашрларига обуна компанияси авж олаётган кираган бугунги кунда ана шулар ҳақида ўйлаш...

Саҳифаларимизда имкон қадар Сизга маънавий озуқа берувчи ранг-баранг, қизиқarli мақолалар бериб бориш...

- 1. «Энг фаол обуначи бошланғич ташкилот»
2. «Энг фаол обуначи туман кенгаши»
3. «Энг фаол обуначи масъул ташкилотчи»
4. «Энг фаол обуначи ҳудудий бирлашма кенгаши»
5. «Энг фаол обуначи ҳамкор»

Танлов ғолибларининг обунани ташкил этишдаги жонбозлиги ҳудудлар кесими бўйича обуна сонига қараб аниқланади...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2016 йил 24 октябр кунин соат 11:00 да Термиз шаҳри Ф.Хўжаев кўчаси Тадбиркорлар Маркази билан...

1. «Бобур Боҳром ўғли» хусусий фирмаси тугатиш бошқарувчисига тегишли бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 19 AJ 988 бўлган «КАМАЗ-55102»...

Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва бошланғич касаб уюшма ташкилоти, касаб уюшма кўмитаси раиси Фахриддин Саидовга акаси Рустам САЙДОВнинг вафоти муносабати билан қучук таъзия изҳор этади.

«O'zbekinvest Hayot» масъулияти чекланган жамияти суғурта компанияси жамоаси компания бош менежери Диёрбек Мўминовга бувиси Адилбаҳон ая АСОМУТДИНОВАнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'laqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Huruq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Reklama va e'lonlar - 256-87-73.

HUJUDLARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Navoiy - (+998-93) 314-13-03. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-91) 233-69-07. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova. Navbatchi: N.Mahamov. Musohib: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abduljalilov. Boshiga topshirish vaqti: 21:00. Topshirishi: 21:20. 1 2 4 5 6